ЭКСПЕРТ-КРИМИНАЛИСТ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ТАЪЛИМ ВА АМАЛИЁТ ИНТЕГРАЦИЯСИ

Л.Н.Раджапова
ИИВ Академияси Криминалистик
экспертизалар кафедраси бошлиғи,
ю.ф.ф.д., доцент

Аннотация. Мақолада ички ишлар органлари учун эксперт-криминалист кадрларни тайёрлаш тизимининг ҳуқуқий асослари ва мазмуний таркиби таҳлил қилинган. ИИВ Академиясида эксперт-криминалистика фаолияти мутахассислиги, замонавий ўқув-лаборатория базаси ҳамда дуал таълим ягона тизим сифатида кўрсатилиб, кадрларни тайёрлашнинг беш босқичли интеграциялашган модели тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: эксперт-криминалистика фаолияти, касбий компетенция, дуал таълим, криминалистик экспертиза, ўқув-лаборатория.

Аннотация. В статье анализируются правовые основы и содержательная структура системы подготовки экспертно-криминалистических кадров для органов внутренних дел. Специальность экспертно-криминалистическая деятельность, современная учебно-лабораторная база и дуальное обучение в Академии МВД представлены как единая система; исследована пятиступенчатая интегрированная модель подготовки кадров.

Ключевые слова: экспертно-криминалистическая деятельность, профессиональная компетенция, дуальное обучение, криминалистическая экспертиза, учебно-лабораторная база.

Abstract. The article analyses the legal foundations and the substantive structure of the system for training forensic expert personnel for the internal affairs bodies. The speciality of forensic expert activity, the modern educational laboratory facility and dual education at the Academy of the MIA are presented as a single system, and a five-stage integrated model of personnel training is examined.

Keywords: forensic expert activity, professional competence, dual education, forensic examination, educational laboratory facility.

Эксперт-криминалистнинг фаолияти бир вақтнинг ўзида ҳам илмий-техник, ҳам процессуал табиатга эга бўлиб, унинг берган хулосаси далил манбаи сифатида баҳоланади [1] ва эксперт ушбу натижа учун шахсан жавобгар бўлади. Шу боис унинг касбий компетенцияси махсус билим, техник-методик кўникма, процессуал билим ва қарор қабул қилиш қобилиятининг бирлигидан иборат бўлиб, назарий билим лаборатория шароитида кўникмага, кўникма эса реал вазиятда касбий қарорга айланади.

Суд-экспертлик фаолиятини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида [3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-122-сон қарори билан эксперт-криминалистика соҳасида кадрларни мақсадли тайёрлаш бўйича бутунлай янгича самарали ўқув-амалиёт жараёнини ташкил этиш вазифаси белгиланган [2], ва унинг ижроси ИИВ Академиясида яхлит тайёрлов тизимининг шаклланиши билан якунланди.

Тизимнинг ўзига хослиги, аввало, унинг ҳуқуқий мустаҳкамланганлигида намоён бўлади. ПҚ-122-сон қарорнинг 1-иловаси билан тасдиқланган Низомнинг 3-бандига мувофиқ ички ишлар органлари эксперт-криминалистика бўлинмалари тизимига Эксперт-криминалистика бош маркази ва ҳудудий марказлар билан бир қаторда ИИВ Академиясининг Криминалистик экспертизалар кафедраси ҳам киритилган, қарорнинг 5-банди билан эса ушбу кафедрага дактилоскопик, трасологик, баллистик, совуқ қуроллар, портрет, хатшунослик ва бошқа суд экспертизаларини ўтказиш ҳуқуқи берилган [2].

Таъкидлаш жоизки, мазкур нормалар таълим тузилмасига эксперт тизимининг таркибий бўғини мақомини бериб, таълим ва эксперт амалиёти ўртасидаги алоқани институционал даражага кўтарган, зеро реал экспертиза ўтказиш ҳуқуқига эга кафедра ўқув жараёнида фақат назарий билимни эмас, амалдаги эксперт тажрибасини ҳам узатиш имконига эга бўлади. Шу билан бирга, эксперт-криминалистика бўлинмаларининг, қоида тариқасида, Академиянинг “эксперт-криминалистика фаолияти” мутахассислигини тамомлаган битирувчилар орасидан жамланиши тайёрлов тизимини соҳанинг асосий кадрлар манбаи сифатида мустаҳкамлайди [2].

Тайёрлашнинг мазмуний асосини криминалистик экспертизаларнинг анъанавий турлари — дактилоскопия, трасология, хатшунослик, ҳужжатларнинг техник экспертизаси, баллистика, совуқ қурол ва портрет экспертизалари ташкил этади [2], ва Академияда курсантлар шу етти йўналиш бўйича билим олиш билан бирган ҳар томонлама тайёргарликдан ўтадилар. Фикримизча, уларни ўқув жараёнида идентификация вазифасининг табиатига кўра тўрт компетенция блокида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир яъни шахсни идентификация қилиш блоки дактилоскопия ва портрет экспертизасини, излар ва объектларни идентификация қилиш блоки трасологияни, қурол ва унинг изларини тадқиқ этиш блоки баллистика ҳамда совуқ қурол экспертизасини, ҳужжат ва ёзувларни тадқиқ этиш блоки эса хатшунослик ва ҳужжатларнинг техник экспертизасини қамраб олади. Ушбу блоклар асосида ҳар бир экспертиза тури бўйича шаклланадиган компетенцияларни акс эттирувчи матрицани тузиш мумкин. Замонавий шароитда мазкур тўрт блок бешинчи, рақамли блок билан тўлдирилиб, “рақамли криминалистика асослари” фани ўқитила бошланди.

Шунингдек, Академияда замонавий эксперт-криминалистика жиҳозлари билан таъминланган ўқув-лабораторияларининг илмий-педагогик қиймати уларнинг моддий таркиби билан эмас, балки шакллантирадиган компетенцияси билан ўлчанади. Курсант назарий машғулотда объектнинг криминалистик белгиларини ўрганса, лабораторияда уни топиш, қайд этиш, олиш, қадоқлаш, тадқиқ қилиш ва натижаларини расмийлаштиришнинг тўлиқ алгоритмини мустақил бажаради. Қолаверса, лаборатория муҳитининг афзаллиги унда тадқиқотни такрорлаш имконияти мавжудлигидадир, ҳолбуки реал экспертизада ҳар бир ҳаракат процессуал оқибат келтириб чиқаради.

Тизимнинг энг ўзига хос элементи эса дуал таълим асосида курсантларнинг реал касбий муҳитдаги фаолиятидир. Бу борада курсантлар доимий равишда ҳодиса содир бўлган жойларга бевосита чиқиб, амалиётчи эксперт-криминалистлар билан биргаликда изларни аниқлаш, қайд этиш ва олишда иштирок этадилар ҳамда экспертиза ўтказилиш жараёни билан бевосита танишишлари йўлга қўйилган. Мазкур жараён ИИВ Эксперт-криминалистика бош маркази ва ҳудудий бўлинмалар билан доимий ҳамкорликда — уларнинг ўқув дастурларини амалиётга мослиги жиҳатидан келишиши, курсантлар амалиётини биргаликда ташкил этиши ва тайёргарлик натижаларини даврий мониторинг қилиши асосида амалга оширилади [2]. Фикримизча, дуал таълимнинг илмий қиймати курсантнинг учта фарқли касбий муҳитда изчил фаолият юритишида намоён бўлади. Яъни ўқув лабораторияси “қандай

қилиш керак?” деган саволга жавоб бериб тадқиқот алгоритмини шакллантирса, ҳодиса содир бўлган жой “айни шу вазиятда қайси усулни ва нима учун танлаш керак?” деган саволни қўйиб вазиятли қарор қабул қилиш қобилиятини ривожлантиради, эксперт тадқиқоти эса илмий асосланган хулосага келиш кўникмасини беради.

Ўтказилган таҳлил ИИВ Академиясида шаклланган тизимни беш босқичли интеграциялашган модель сифатида таърифлаш имконини беради: назарий тайёргарлик — ўқув лабораторияси — ҳодиса содир бўлган жой — эксперт тадқиқоти — амалий фаолиятга интеграция. Сўнгги босқич битирувчининг эксперт-криминалистика бўлинмаларидаги фаолиятга мослашувини қамраб олади ва айнан шу босқичда тайёрлов натижаси амалда синовдан ўтади. Модельнинг ўзига хослиги шундаки, ундаги ҳар бир босқич олдингисининг натижасини истеъмол қилади ва кейингисига тайёргарлик яратади. Назарий билимсиз лаборатория тадқиқоти механик ҳаракатга айланади, лаборатория кўникмасисиз ҳодиса жойидаги фаолият самарасиз бўлади, ҳодиса жойидаги тажрибасизлик эса эксперт тадқиқотининг мазмунини курсант учун мавҳум қолдиради.

Ўзбекистонда эксперт-криминалист кадрларни тайёрлаш давлат сиёсати даражасида тартибга солинган ва ИИВ Академиясида яхлит тизим сифатида шаклланган бўлиб, унинг ҳуқуқий ўзига хослиги Криминалистик экспертизалар кафедрасининг эксперт-криминалистика бўлинмалари тизимига киритилганлигида намоён бўлади. Тизимни ривожлантириш мақсадида Академия, Бош марказ ва ҳудудий бўлинмалар ўртасидаги мавжуд ҳамкорлик механизмини идоравий норматив ҳужжат даражасида мустаҳкамлаш ва уни экспертизанинг янги турларига кенгайтириш, ҳар бир экспертиза тури бўйича компетенциялар мутаносиблигини ўқув-методик ҳужжат сифатида расмийлаштириш ҳамда курсантнинг лаборатория тадқиқотлари, ҳодиса жойидаги иштироки ва экспертиза жараёнидаги фаолиятини қайд этувчи “эксперт-криминалист портфолиоси”ни жорий этиш таклиф этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 01.06.2010 йилдаги “Суд экспертизаси тўғрисида”ги ЎРҚ-249-сон Қонуни // Электрон манба: https://lex.uz/docs/1633102
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги “Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-122-сон қарори // Электрон манба: https://lex.uz/ru/docs/5851527
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4125-сон қарори // Электрон манба: https://lex.uz/uz/docs/4172023.